

КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Якубов Бахтиёр Бахриддин ўғли

190111, Термиз давлат университети

Амалий математика ва интеллектуал технологиялар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги таълим тизими бўлган кредит модуль тизимида талабаларнинг ахборот компетентлилигини ривожлантириш масалалари ҳамда талабаларнинг ахборот компетентлилигини ривожлантиришга оид тавсиялар ишлар чиққан педагог олимларнинг мулоҳазалари келтирилган бўлиб, бу талабаларнинг ахборот компетентлилигини ривожлантириш масалаларини ёритишга алоҳида ўрин эгаллаган.

Калит сўзлар: кредит, модуль, компетентлик, ривожлантириш, жамият, шахс, педагог, педагогик фаолият, бўлажак ўқитувчилар.

КИРИШ

Ривожланган давлатлар экспериментлари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитиш амалиётида кредит – модуль тизимини жорий этиш масалаларини ёритишга қаратилган. Биринчи навбатда, биз муҳокама қилинадиган тушунчаларни очиб беришимиз лозим. Зеро, ўрта асрларда яшаб ўтган ингиллиз файласуфи Френсис Бекон шундай деган эди: кучли низоларни бартараф этишнинг асосий калити, муаммодаги ҳар бир терминологияни мантиқан тўғри таҳлил этишдир. Уларни қолганларга тўлалигича тушунтириб бера олиш эса, муаммони олдиндан ҳал этади [1].

Кредит — модуль тизими – мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосида билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит ҳолида билим ҳажмини белгиловчи тизимдир. Бу тизим ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида умумий йўлга қўйилган, вақт синовларида ўзини етарлича оқлаган ва бир биридан фарқ қилувчи, лекин бир – бирини ўзаро тўлдирувчи иккита – модуль ва кредит ўқитиш технологияларини бирлашишидан ҳосил бўлган.

Модуль – алоҳида ўқув фани (ёки унинг қисми) бўлиб, ўзида тегишли билим ҳамда касбий жиҳатларга доир маълумотларни камраб олади.

Ўқитишнинг модуль тизими талабанинг фан дастурини ўрганиши натижасида шаклландиган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунланади. Масалан, талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун жорий, оралик ва якуний назорат турлари ўтказилинади.

Инсоният жамиятида қадимий касблардан бири бўлган педагог касби ҳар доим мураккаб ва масъулияти ҳисобланган. Қадимги мутафаккирларнинг илмий меросларида ёшларга устозлик қилиш йўлини танлаган одам нафақат муайян хусусиятларга эга, мазкур қобилият турига мойил бўлиши, балки тегишли тайёргарликка ҳам эга бўлиши кераклиги таъкидланган.

Биз компетентликни бутун инсон ҳаёти давомида ижтимоий омилларнинг таъсири остида шаклландиган шахс хоссалари сифатида талқин қиламиз. Шахс компетентлиги юзага келадиган муаммоларни самарали ҳал қилиш мақсадида исталган ҳаётий вазиятда бошқа одамлар билан коммуникатив ҳамжиҳатлик учун зарур инсоннинг интеллектуал ва жисмоний хислатлари ва ўзига хосликларига таянади. Шубҳасиз, бунинг учун зарур билимлар, қобилиятлар ва кўникмалар фақат моддий ишлаб чиқариш ва истеъмолни эмас, бутун ҳаётий фаолият соҳаларини қамраб олиши керак.

Психологик-педагогик фанга "компетентлик" тушунчаси мамлакат ва чет эллик олимларнинг тадқиқотлари муносабати билан кириб келган, улар ўз илмий ишларида ривожландиган шахснинг хоссаларидан бири сифатида компетентлик шаклланиши муаммоларини белгилаб берган.

Шахс психологиясида гуманистик йўналишга мансуб (Маслоу А., Олпорт Г., Роджерс К., Франкл В.) чет эллик олимларнинг тадқиқотларида (1-жадвал) шундай умумий фикр билдириладики, инсон хулқ-атворининг етакчи тамойили «муҳим кадриятлар» – адолат, ҳақиқат, эзгулик, ҳаёт мазмуни каби кадриятларни топишга интилишдан иборат [115, 156].

Клилэнд Д. [181] 1958 йилда компетентликни кўп компонентли категория сифатида талқин қилади, унинг кўплаб компонентлари бир-бирига нисбатан мустақил эканини таъкидлайди. Уларнинг энг жиддийлари сифатида когнитив, аффектив ва ирода компонентларини ажратиб кўрсатади.

Бандура А. [169] таклиф қилган ўз ўзича самарадорлик концепциясига кўра, компетентлик специфик вазифа ёки вазиятга мос хулқ-атвор яратишдан иборат одамларнинг қобилияти сирасига киритилади. «Ташқи атрофдан келадиган ундайдиган мотивларни уюштириб, кўллаб-қувватлашнинг когнитив хусусиятини генерация қилган ҳолда ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини баҳолаб, одамлар ўзларининг хулқ-атворларини маълум даражада назорат

қиладилар» [13]. Фаол ўзлаштирилган билимлар ёки ҳаракатлар айниқса кучли компетентлик манбаи ҳисобланади.

Равен Ж. [117] компетентликни конкрет предмет соҳасидаги конкрет ҳаракатларни бажариш учун зарур ҳамда тор ихтисослашган билимлар ўзига хос предмет кўникмалари, тафаккур усули, шуниндек ўз ҳаракатлари учун масъулиятни тушунишни ўз ичига оладиган специфик қобилият сифатида талқин қилади.

Чет эллик олимларнинг «компетентлик» атамасига берган таърифлари

1 - жадвал

Муаллиф	Асосий ғоялар
Маслоу А. [180]	У «ўзлигига долзарб тус бериш» тушунчасини киритган, бу тушунча шахс психологиясидаги таҳлил марказини психологик соғлом ва ўзини тўла намоён қиладиган ижодий шахсни кўриб чиқиш, унинг ривожланишини фаол ва самарали хусусиятини таъкидлашга ўтказишга қаратилган. Вазифа – «инсонга ўзи қобилиятли бўлган даражага чиқишида ёрдам беришдан иборат».
Олпорт Г. [168]	Инсоннинг юксалиши – бу бутун умр узлуксиз давом этадиган жараён. Етук шахснинг хусусияти – ўзини ривожлантира олади, илик, самимий ижтимоий муносабатда бўлади, ўз фаолияти соҳасида тегишли малака ва билимларга, компетенцияга эга бўлади.
Роджерс К. [120]	Ўзлигига долзарб тус бера оладиган одамлар вақт нуқтаи назаридан компетентли бўлишади, яъни ўтмиш ҳозирги замонга қандай муносабатда бўлиши ҳақида мулоҳаза юритадилар ва узоқ муддатли режаларни жорий масалалар билан реалистик боғлай оладилар.
Франкл В. [175]	Логотерапия доирасида шаклланган шахс концепцияси инсонга ҳаёт мазмунини топишда ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб кўяди .

Эриксон Э. [156] фикрига кўра, инсон ўз тараққиёти жараёнида атроф билан ҳамжиҳатлик қилар экан, тобора компетентли бўлиб боради.

Мартене Р. [89] ижтимоий компетентли шахс шаклланишини асосий ижтимоийлашув натижаси сифатида талқин қилган. «Жамиятнинг мақсади – ижтимоийлашув жараёни ёрдамида компетентли шахсни шакллантиришдан иборат». Бунда «компетентлик» инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий муҳит билан муваффақиятли ҳамжиҳатлик қилиш қобилиятини англатади.

Фромм Э. [152] таъкидлашича, ижтимоий хусусиятга эга тушунча ижтимоий тараққиётни таҳлил қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

«Инсоннинг эркин ва бахтли бўлишга оид дахлсиз ҳуқуқлари унга хос: ривожланиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш хислатлари, унда ривожланадиган тарихий эволюция жараёнида мужассам ҳисобланади» [115].

«Компетентлик» тушунчаси Америка адабиётида жуда кенг талқин қилинган [171]. Жумладан, «компетентли шахс»га оид билимларни ҳамда улар билан боғлиқ қобилиятлар, психомотор вазифаларни, касбий, когнитив ва аффектив фаолиятни, шахслараро муомалани бажариш учун зарур кўникмаларни ўзлаштирган бўлади. Умуман, олимлар компетентликни тарқоқ қобилиятлар билан боғланмайди, балки асосан индивиднинг умумий характеристикаси жумласига киритади. Аксарият муаллифлар ўз назарияларида компетентлик муаммосини кўриб чиқар эканлар, ёш мутахассисдан касбий шаклланиши йўлида эмоционал барқарорлик, интеллуқтуал сафарбарлик, ахлоқий қатъиятлилик, ижодий мулоҳазакорлик талаб қилинишини таъкидлайдилар.

Шахсинг касбий шаклланиши ва касбий фаолиятга тайёрлиги масалалари кўплаб йиллар мобайнида қатор мамлакат олимлари тадқиқотларининг объекти ҳисобланади [103]. Компетентлик табиати кўпқиррали, лекин у шундайки, фақат инсон қадриятлари билан уйғун яхлитликда, яъни мазкур фаолият туридан инсон теран шахсий манфаатдорлиги шарти билан намоён бўлиши мумкин. Бу ҳаётий фаолият турли жиҳатларини тадқиқ қилишда компетентлик шаклланиши муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотлар муҳимлиги ва зарурлигини англаш имконини беради.

Чет эл ва мамлакат олимарининг психологик-педагогик тадқиқотларида у ёки бу соҳада касбий компетентли ходимни шакллантириш йўллари ва методларини, шунингдек аниқ методикаларини ишлаб чиқишга катта аҳамият берилади.

Равен Ж. ўз илмий ишларида, хусусан, «Замонавий жамиятда компетентлик: уни аниқлаш ривожланиши ва амалга оширилиши» [186] китобида компетентлик, мотивация ва хулқ-атворнинг янги назарий моделини ҳамда уларни баҳолашга янгича ёндошишни тадиқ қилган. Равен Ж.да [117] компетентлик тушунчаси қуйидагилар зарурлиги тўғрисида тўртта муҳим оқибатни ифодалаш имконини берадиган етакчи мазмун асоси сифатида майдонга чиқади:

биринчидан, ҳар бир боланинг имкониятига оид фикрларни қайта кўриб чиқишни, чунки барча ўқувчилар компетентли бўлишлари, жуда кенг билимлар спектридан ўз танловларини қилишлари мумкин;

иккинчидан, таълим мақсадларини қайта ифодалаш; бунда таълимни индивидуаллаштириш асосида шахсни ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқади;

учинчидан, таълим методларини ўзгартириш, булар ўқувчиларнинг мойилликлари ва қизиқишларига боғлиқ равишда уларнинг компетентлигини аниқлашга ва шакллантиришга ёрдам бериши керак; бунда асосий дидактик восита сифатида лойиҳалар методидан фойдаланиш таклиф қилинади;

тўртинчидан, ўқувчиларни тестлаштириш ва таълим дастурларини баҳолаш анъанавий тартибидан радикал равишда воз кечиш.

Юқорида келтирилган таҳлил кўрсатадики, касбий компетентлик шахс ривожланишининг олдинги даврлари, унинг ижтимоий ҳамжиҳатлиги ва шахсий ўзига хосликлари билан яқиндан боғлиқ.

Тегишли билимлар, қобилиятлар, кўникмалар, шахснинг ички дунёси шаклланган ҳолатдагина касбий компетентлик ҳақида гапириш мумкин. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, тури муаллифлар компетентлик тушунчасини инсон томонидан у ёки бу фаолият, ёки билимлар тизимини эгаллаганлик юқори даражаси сифатида қўллайдилар. Биз юқорида келтирилган компетентлик турлари улар характерлайдиган фаолиятга бевосита боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳасанова М., Жуманова М. Кредит – модуль тизими ва унинг амалиётга жорий этиш тамойиллари (олий таълим муассасаларида математика ўқитишда). "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020
2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармони
3. У.Якибова. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги. ТДПУ илмий ахборотлари. 2023, №3.
4. Н.Рузиколува. Бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2020.
5. О.Қўйсинов. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2019.
6. Ж.Усаров. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2019.
7. У.Рахматов. Масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш. Дисс.иши.-Тошкент: ТДПУ, 2020.